
ФАРҒОНА ТУМАНИДА АДирЛИКЛАР БАҒРИДА БАРПО ЭТИЛГАН LITTE PARK ИСТИРОХАТ БОҒИ ХУДУДИДА ЯНГИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЛОЙИХАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона туманидаги ўрганишлар давомида туманнинг Юқори Арча МФЙ ҳудудида “Боқижон ота” фермер хўжалиги томонидан янги ташкил этилган истироҳат боғини кўздан кечирди, ҳудудда амалга оширилиши режалаштирилаётган “Она ва бола” сихатгоҳи, чойхона ҳамда дам олиш оромгоҳидан иборат мажмуа лойиҳаси билан танишди.

Лойиҳа қиймати 3 миллиард сўм бўлган ушбу истироҳат боғи ҳудуд аҳолисининг мазмунли ҳордиқ чиқаришини таъминлаб келмоқда. Амалга ошириш режалаштирилаётган янги мажмуа лойиҳаси натижасида 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади, туманнинг туристик ва хизмат кўрсатиш салоҳияти ортади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-11-18 23:13:45